


I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 62661,7 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 2,6 %га ўсади. ЯҲМ дефлятор индекси 2020 йил январь-декабрь ойларидағи нархларга нисбатан 113,6 %ни ташкил қилди.


Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) – миллий ҳисоблар тизимининг асосий қўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуният натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соғ солиқлар итиғиндиси орқали ҳисобланади.

2019-2020 йиллар учун ЯҲМ физик ҳажми ва дефлятор индекси динамикаси қўйидаги маълумотлар билан тавсифланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан %да).



Ялпи ҳудудий маҳсулот


**Январь-декабрь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари
бўйича мутлақ ўсиш суръатлари**
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан %да)



Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,0 %, (ЯҲМ таркибидаги улуси - 24,8 %), саноат - 103,8 % (48,4 %), курилиш - 105,2 % (5,0 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 100,1 % (6,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 103,4 % (4,6 %) ҳамда бошқа хизмат тармоқлари - 98,7 % (10,9 %)ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 21113,1 минг сўмни ташкил этди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,9 %га ўсди.


**Январь-декабрь ойларида ахоли жон бошига
ҳисобланган ЯҲМ ҳажми**




(жорий нархларда, минг сўм)

**Январь-декабрь ойларида ахоли жон бошига
ҳисобланган ЯҲМ ўсиш суръатлари**


(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан %да)



**Январь-декабрь ойларида ЯҲМ ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг
ялпи қўшган қиймати ҳажми (млрд. сўмда)**



**Январь-декабрь ойларида кичик бизнеснинг ЯҲМдаги улуши
(Ялпи қўшилган қийматга нисбатан %да)**



**Январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМнинг ишлаб
чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари**

	млрд. сўм		Физик ҳажм индекси %да
	2019 йил январь- декабрь	2020 йил январь- декабрь	
I. ЯҲМ - жами	53 759,4	62 661,7	102,6

шу жумладан:


Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	50 183,7	59 839,0	102,6
Махсулотларга соғ солиқлар	3 575,7	2 822,7	102,7
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	50 183,7	59 839,0	102,6

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик

Хўялиги	12 460,2	14 858,1	102,0
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	26 237,4	31 940,4	103,9

саноат	23 816,6	28 942,6	103,8
курилиш	2 420,8	2 997,8	105,2

Хизматлар	11 486,1	13 040,5	100,1
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3 354,4	3 794,5	100,2
ташиб ва саклаш, ахборот ва алоқа хизматлари	2 386,8	2 730,0	103,4
бошқа хизмат тармоқлари	5 744,9	6 516,0	98,7




Юқорида келтирилган диаграммада қурилиш тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуси 2019 йилдаги 4,8 %дан 2020 йилда 5,0 %га, саноат улуси 47,5 %дан 48,4 %га ошди.


Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуси эса 22,9 %дан 21,8 %га камайди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуси 6,3 %ни (2019 йил январь-декабрь - 6,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 4,6 %ни (4,8 %), бошқа хизмат тармоқлари - 11,4 %ни (10,9 %) ташкил этди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 49,8 %и кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2019 йил январь-декабрь ойларида 48,3 %ни ташкил қилган.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан %да)**




**2020 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг
хиссаси**
(жасига нисбатан %да)



2020 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятори индекси 2019 йил январь-декабрь ойларидаги нархларга нисбатан 113,6 фоизни ташкил этди. ЯҲМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига – 116,9 %, қурилишда – 117,7 %, саноатда – 117,1 % қайд этилди.

**Январь-декабрь ойларида ЯҲМнинг иқтисодий фаолият
турлари бўйича дефлятор индекси**



Статистик кўрсаткичларга изохлар

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) - миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

Аҳоли жон бошига (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯҲМ хажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

Маҳсулотлар учун солиқлар - товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

Маҳсулотлар учун субсидиялар - давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

Маҳсулотлар учун соф солиқлар маҳсулотлар учун солиқлардан маҳсулотлар учун субсидияларни айриш орқали аниқланади.

ЯҲМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯҲМни (реал ЯҲМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.

ЯҲМ дефлятор индекси - иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯҲМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯҲМ) реал ЯҲМга нисбати орқали ҳисобланади.